БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№71 (216) 2018 йил 11 сентябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 2018 йил 12-14 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув ва музокараларда икки томонлама ҳамкорликка доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилиш, сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий, инвестиция, фан ва таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб олиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Беларусь Президентлари минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Ташриф доирасида Тошкент шаҳрида «Беларусда ишлаб чиқарилган» миллий кўргазмаси ташкил этилади, шунингдек, икки мамлакат ишбилармон доиралари ва ҳудудлари раҳбарлари иштирокида қўшма бизнес ва ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали дўстона алоқаларга янги суръат бахш этишга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

**ЎзА.**

## Олмазорга 3 йилда 400 миллион долларлик инвестиция жалб этилади

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари У. Муҳаммадиев, Олмазор тумани ҳокими Б. Раҳмонов, сенаторлар, депутатлар, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этган йиғилишда пойтахт ҳудудлари, шу жумладан, Олмазор туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид долзарб масалалар барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари олдида турган асосий вазифалардан эканлиги айтилди.

*(Давоми 2-бетда)*











## «Afrosiyob»нинг янги манзиллари

«Тошкент – Шаҳрисабз – Тошкент» йўналишида замонавий «Afrosiyob» тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилиши муносабат билан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун медиатур ташкил этилди.

Эрта тонгдан узоқ манзилга отланган йўловчилар, хорижлик меҳмонлар Тошкент марказий вокзалидан йўлга чиққан тезюрар поездидаги шароитлардан мамнун.

Шу пайтга қадар «Тошкент – Қарши» йўналиши бўйича «Afrosiyob» тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилган эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қисқа фурсат ичида «Қарши-Шаҳрисабз» темир йўл линиясини модернизация қилиш ва электрлаштириш ишлари тўлиқ ниҳоясига етказилди. Умумий узунлиги 124 километрдан иборат бўлган ушбу лойиҳа «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг тажрибали мутахассислари томонидан қисқа муддатда сифатли қилиб амалга оширилди. Қаршидан Шаҳрисабзгача бўлган масофада 3 вокзал қурилиб, бир нечта станция тубдан таъмирланди.

Шунингдек, ушбу йўналишда янги кўприклар, сунъий иншоотлар бунёд этилди. Бундай бунёдкорлик ишларига 100 га яқин замонавий техника ва 300 нафарга яқин мутахассис жалб қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, лойиҳа доирасида режалаштирилган 94 километр масофада электрлаштириш билан боғлиқ барча ишлар соҳа мутахассисларининг истиқлол йилларида тўплаган тажрибаси туфайли ўз вақтида тўлиқ амалга оширилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ бугун замонавий «Afrosiyob» электропоездининг Шаҳрисабзгача мунтазам қатнови йўлга қўйилиб, юртимиз аҳолиси ва меҳмонларга мустақиллик байрами ҳамда кўҳна Кешда ўтказилаётган Мақом санъат анжумани арафасида муносиб туҳфа бўлди.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши, энг аввало, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширади. Табиийки бу ушбу ҳудудга келадиган сайёҳлар сонининг ортишига ҳам хизмат қилади. Яна бир аҳамиятли жиҳати мазкур электрлаштириш лойиҳаси натижасида йилига 10 минг тоннадан зиёд дизел ёнилғиси иқтисод қилинади. Натижада атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ривожлантиришга имкон яратилади.

Медиатур давомида журналистлар ҳам ушбу жараёнларни кузатиб, соҳа ходимларидан мавзуга доир саволларига жавоб олди.

**А. МУСАЕВ,**
**Ф. АБДУРАСУЛОВ (сурат), ЎзА.**

## Коммунал соҳа такомиллаштирилмоқда

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Уй-жой коммунал хизматларни кўрсатиш ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 август куни қабул қилинган қонуннинг мақсади тўлов интизомини мустаҳкамалашга, шунингдек, айрим тоифадаги I ва II гуруҳ ногиронларига имтиёзли пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартиш киритилди. Жумладан, тегишли банд билан Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхат бўйича I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган эркакларга камида 25 йил иш стажи, аёлларга камида 20 йил иш стажи бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқи берилади.

Мамлакатимизда 760 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатга олинган. Мутахассисларнинг фикрларига кўра, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар пенсия тарқатишда учраётган камчиликлар, нотўғри ҳисоблашларга барҳам беришга хизмат қилади.

Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, Уй-жой кодексининг 134-моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Хусусан, давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун мажбурий тўловлар олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида амалга оширилиши белгиланмоқда. Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага олувчиларига коммунал хизматлар кўрсатиш мажбурий тўловлар 3 ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда тўхтатиб турилади, бундан сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари, шунингдек, электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш мустасно.

Ушбу қонун қарздорликнинг олдини олиш, коммунал соҳа ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ички инфратузилмасини яхшилаш, соҳага янги технологияларни жалб этишга хизмат қилиши айтилди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Энди чироқ ўчмайди

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар ходимлари, энергетика соҳаси мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси У. Мустафоев соҳадаги корхоналарни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, тизимдаги дебитор қарздорликни камайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Жамият таркибидаги корхоналар фаолиятига доир янгича ёндашувлар яхши самара бермоқда. Тизимда иш унумдорлигини оширишга қаратилган эътибор самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида 30,9 миллиард киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Дебитор қарздорлик эса 3,9 триллион сўмга қисқартирилди.

Мажлисда «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятидаги камчиликлар қайд этилди. Жумладан, корхоналарни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига тизимдаги дебитор қарздорликни камайтиришда айрим камчиликларга йўл қўйилган.

Ўтказилган солиқ текширувларида акциядорлик жамиятининг айрим корхоналари томонидан 24,1 миллиард сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорлик ундирилмагани аниқланди. Хусусан, 4 миллиард сўмлик маҳсулотлар олдиндан тўловсиз реализация қилинган. Бу борадаги текширувлар натижасида мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Тизим корхоналарида кадрлар билан ишлаш борасида камчиликларга йўл қўйилаётгани танқидий таҳлил қилинди. Бунда доимий профилактик тадбирларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбаларининг катта захиралари мавжуд. Шунга қарамай, уларнинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги улушини ошириш бўйича ишлар суст олиб борилмоқда. Шу муносабат билан «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти мутасаддиларига бу борадаги ишларни фаоллаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Д. СУННАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**












Самарқандлик тадбиркорлар Суғд эркин-иқтисодий зонаси фаолияти билан яқиндан танишди. Бу ерда 20 дан ортиқ корхона бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.



# Олмазорга 3 йилда 400 миллион долларлик инвестиция жалб этилади

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг Олмазор туманига ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифалар, шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашининг қўшма қарори билан тасдиқланган «Йўл харитаси» ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар 4 сектор кесимида кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 3 йил давомида туманга 400 миллион долларлик инвестицияларни жалб қилиш режалаштирилган. Бу борада туман ҳокимиятида тадбиркорлар билан музокаралар ўтказилиб, жорий йилда жами 97 миллион доллар инвестициялар жалб қилиш бўйича ташаббускорлар билан инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тумандаги 55 маҳаллада мулкчилик шаклидан қатъи назар бўш турган объектлар, фаолияти тўхтаган корхоналар, тўлиқ фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонлари хатловдан ўтказилди. 447 ана шундай объект аниқланиб, улардан самарали фойдаланиш чоралари кўрилди. Мажлисда аҳоли муаммоларини ўрганиш бўйича масъул вазирлик ва идоралар, туман ҳокимлиги раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Туман ҳокимининг айтишича, жорий йилнинг 3 июнидан 10 августигача тўрт сектор раҳбари ўз ҳудудида йиллар давомида ечимини кутаётган муаммоларни аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўрган. Ўрганишлар давомида туманда 1 минг 256 фуқаронинг муаммолари аниқланди. Уларнинг аксариятини уй-жой масаласи ташкил қилади.

Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда саноат соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Олмазор кичик саноат зонаси фаолиятини янада яхшилаш, тадбиркорларга қулай шароитларни яратиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, таъмирлаш, ҳудудни тартибга келтириш ва мавжуд бўш турган бино ва ишлаб чиқариш майдонларини тадбиркорларга бириктириш чоралари кўрилмоқда.

Халқ фаровонлигини оширишнинг бош омили сифатида туман аҳолисининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жорий йилда 15 мингта янги иш ўрни яратиш бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда. Янги иш ўринлари асосан саноат, хизмат кўрсатиш соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, кўп қаватли турар жойлар ва йўл-муҳандислик инфратузилмасини қуриш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқдир.

Туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, Иброҳим ота маҳалласида «Обод маҳалла» дастурига мувофиқ 24 кўп қаватли турар жойнинг фасадлари, том қисми, кириш йўлаклари, муҳандислик тармоқлари ва ертўлалари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида 11 минг квадрат метрдан ортиқ ички йўллар таъмирланди.

Шунингдек, мажлисда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар тартибли ўтказилишини депутатлар ва кенг жамоатчилик томонидан назорат қилиш масаласи муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, маҳаллаларда намуна тариқасида ихчам тўйларни ўтказиш учун маҳаллий бюджет ва маҳалла жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард сўм маблағ ажратилиб, бугунги кунга қадар 15 маҳаллада ихчам тўйлар ташкил этилиб, оммавий ахборот воситаларида ёритилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Суғдда Самарқанд кунлари ўтказилди

Аввал хабар берганимиздек, 2018 йил 7-9 сентябрда Тожикистон Республикасининг Суғд вилоятида Самарқанд кунлари ўтказилди.



Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Э. Турдимов бошчилигидаги вилоят фаоллари, тадбиркорлар, йирик саноат корхоналари вакиллари, маданият ва санъат намояндалари, спортчилар Суғд вилояти раҳбарияти ҳамда аҳоли томонидан тантанали кутиб олинди.

Хўжанд шаҳрида Суғд вилояти раиси Р. Аҳмадзода ва Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Э. Турдимовнинг учрашувида Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг оқилона, халқпарвар сиёсатлари туфайли кейинги йилларда халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланаётгани таъкидланди. Икки давлат ҳудудлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасида бугунги кунда Самарқанд ва Суғд вилоятлари ўртасида ҳам савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар кенгайиб бормоқда. Икки вилоят вакиллари Наврўз байрамини биргаликда нишонлади. Жорий йил апрель ойида Самарқандда Суғд вилояти кунлари ўтказилиб, унинг доирасида тадбиркорлар иштирокида бизнес-форум ва саноат маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилган ва 107 миллион долларлик 170 га яқин шартнома ва меморандум имзоланган эди. Шунингдек, икки вилоят санъаткорлари иштирокида концерт дастури, маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказилган эди.




Хўжанддаги Самарқанд кунларида бу анъана давом эттирилди.

Икки вилоят ишбилармонларининг бизнес форуми ва Самарқанд вилояти саноат корхоналари, тадбиркор ва ҳунармандлари маҳсулотлари кўргазмасида икки вилоят раҳбарлари сўзга чиқиб, ишбилармонларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини қўллаб-қувватлашлари ва бунинг учун кенг имкониятлар яратилишини қайд этди.

– Ўзбекистон билан алоқалар яхшиланганидан сўнг Суғд дўконларида Самарқандда ишлаб чиқарилган озиқ-овқатлар сотила бошланди, – дейди хўжандлик Санобар Ҳакимова. – Бу маҳсулотлар сифати ва арзонлиги билан қисқа вақтда ўз харидорларини топди. Ҳозирда кўпчилик бозор ё дўконда Ўзбекистондан келтирилган маҳсулотларни сўрайди.

Самарқандлик тадбиркорлар Суғд эркин-иқтисодий зонаси фаолияти билан яқиндан танишди. Бу ерда 20 дан ортиқ корхона бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Самарқанд кунлари иштирокчилари Хўжанд шаҳрида Тожикистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллик байрами тантаналарида ҳам иштирок этди. Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Э. Турдимов Суғд вилояти аҳлини байрам билан табриклади.

Шунингдек, тадбирлар доирасида икки вилоят санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Самарқанднинг «Динамо» ва Суғднинг «Хўжанд» футбол жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди.

– Биз самарқандликларнинг юртимизга келишини интизорлик билан кутдик, – дейди Суғд вилояти раиси ўринбосари Назира Ғаффори. – Бу йил самарқандлик дўстларимиз билан эсда қоларли ва илиқ учрашувларга бой бўлди. Масалан, биз улар билан Наврўз тантаналарини бирга нишонладик. Самарқандда Суғд вилояти кунларида иштирок этдик. Эндиликда бу алоқаларимиз бардавом бўлади, албатта.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қарор ва ижро

Атмосфера ҳавосининг тозалиги жамики тирик мавжудот учун муҳим ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда унга зарар етказувчи омиллар кўпайиб бормоқда. Биргина транспорт воситаларини олайлик. Мамлакатимизда 60 фоиз ёки йирик шаҳарларимизда 80 фоиздан ортиқ транспорт воситаси атмосфера ҳавосининг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида деярли 95 фоизга тўғри келади.

# «Автомобилсиз кун» акцияси

Гарчи, ушбу кўрсаткичлардаги ифлослантирувчи моддалар таркибида оксид углероди давлат стандартлари меъёрларидан юқори бўлмаса-да, экологик барқарорликни таъминлаш ва атроф-муҳитни асрашдан бизни огоҳ этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва йўл транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада яна бир эзгу қадам бўлди. Қарорга мувофиқ, энди ҳар ойнинг учинчи жума кунида «Автомобилсиз кун» акцияси ўтказилади.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ўтказилган матбуот анжуманида мазкур акция доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида муълумот берилди.

Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Мудофаа, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси вакиллари иштирок этган тадбирда юртимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий муҳитга бўлган салбий таъсирни камайтириш, бартараф этиш аҳоли ва навқирон авлод саломатлигини муҳофаза қилишнинг асосий омили экани қайд этилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Ўктам Ўтаевнинг маълум қилишича, мазкур акциянинг асосий мақсади аҳоли, хусусан, ёшларнинг табиатга бўлган меҳрини уйғотишга қаратилган. Бундай эътибор эса экологик муҳитни яхшилашга хизмат қилади. Акцияни ташкил этиш жараёни олдидан йигирма тўртта хорижий давлатнинг тажрибаси ўрганилди. Айни кунларда Тошкент шаҳрида велотураргоҳлар барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

– Дунёнинг турли мамлакатларида бу каби тадбирларни ташкил этиш ўзига хос анъанага айланган, – деди қўмитанинг Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Умид Абдужалилов. – Кўп мамлакатларда ҳар йили 22 сентябрь «Бутунжаҳон автомобилсиз куни» сифатида кенг нишонланади. Қўмитамиз қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 15 сентябрь куни «Автомобилсиз кун» тадбирини ташкил этмоқда. Тадбир иштирокчилари велосипедда манзилга етиш ғоясини илгари суради. Чунки бундай ҳаракат атмосфера ҳавосининг ифлосланишининг олдини олишга ҳисса қўшади. Шунингдек, бу ҳар ойнинг учинчи жума кунида ташкил этилиши мўлжалланаётган «Автомобилсиз кун» акциясида тажриба тариқасида муҳим қадам ҳамдир. Тадбирнинг ўтказилиш жараёнида автомобиль ҳаракати чекланмайди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎзА мухбири.**

«Обод қишлоқ» дастури – амалда

«Обод қишлоқ» дастурига киритилган Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги Ўзбекистон қишлоғи кундан-кун чирой очиб, замонавий қиёфа касб этмоқда.

# Кўнгиллардан кўнгилларга кўчаётган ободлик

Мазкур қишлоқда дастур доирасида олиб борилаётган ишлар суст экани ҳақида ЎзА веб-сайтида 2018 йил 29 июнда «Эзгу мақсад рўёбига боқимандалик кайфияти ҳалал бермоқда» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Бу танқиддан тўғри хулоса чиқарилиб, ўтган қисқа вақт ичида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Қишлоқдаги ноқонуний қурилган бино ва иншоотлар бузиб ташланиб, 148 оила истиқомат қилаётган 12 кўп қаватли уйнинг том қисми янгиланди, йўлаклардаги эшик-ромлар янгисига алмаштирилди. Ташқи қисми, йўлаклар таъмирлангандан сўнг уйлар ўзгача чирой очди.

Айни пайтда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари авжида. Бу ишда аҳоли вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Қишлоқда бекор юрган кишини учратмайсиз.

Қишлоқдаги ишсиз фуқаролар туман бандликка кўмаклаш маркази томонидан ҳақ тўланадиган жамоат иши сифатида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига жалб этилган. Ишсизлардан ташкил топган 7 та бригадада 80 киши меҳнат қилаётир. Махсус техника ва мутахассисларни ҳисобга олмаганда, дастур доирасидаги барча ишларни қишлоқ аҳлининг ўзи амалга ошираётир.

Энг муҳими, «Обод қишлоқ» дастури нафақат қишлоқ қиёфасини, балки одамларнинг дунёқарашини, ҳаётга муносабатини ҳам ўзгартириб юборди. Шу чоққача боқимандалик, бефарқлик кайфиятида юрган кишилар ҳам ҳаракатга тушган. Ҳеч бўлмаса, ҳовлисидаги камчиликларни ўзи тузатаётир. Ҳамма ўз ҳаётини янада фаровон қилишга интилмоқда.

Иш кўлами эса каттагина, ҳаммага юмуш топилади. Ҳозиргача ҳудуддан 40 минг тонна чиқинди олиб чиқилди, мавжуд 24 кўчанинг барчасига ичимлик суви тармоғи тортилди. 28,8 километрлик ички йўлларга шағал ва асфальт ётқизилаётир.

Дастур доирасида яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланаётган қишлоқ тадбиркорлари мини-маркет, 8 дўкондан иборат савдо мажмуаси, ҳаммом, тўйхона қурмоқда. Бундан ташқари, таркибида спорт зали, сартарошхона, гўзаллик салони, фитобар бўлган маиший хизмат кўрсатиш маркази барпо этилаётир.

Бўш турган бинолар тадбиркорлар томонидан таъмирланиб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарига айлантирилаётгани, яъни иш ўрни яратилаётгани одамларнинг турмушга муносабати ўзгаргани тасдиғидир.

– Қишлоқ марказидаги бўш турган бинони реконструкция қилиб, савдо ва ишлаб чиқариш мажмуаси барпо этмоқдамиз, – дейди «Асадбек Жасмин» хусусий корхонаси раҳбари Зокир Жўраев ЎзА мухбири Тошқул Бекназаров билан суҳбатда. – Мажмуада нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, озиқ-овқат, кийим-кечак ва пойабзал дўконлари фаолияти йўлга қўйилади. Ёнида 180 ўринли тўй ва бошқа тадбирлар ўтказиладиган чойхона бўлади. Бу ишларга 300 миллион сўм ўз маблағимиз ва 200 миллион сўм банк кредити сарфланди.

Қишлоқнинг яна бир тадбиркори Лайло Убайдуллаева туман ҳокимлиги томонидан берилган 10 тикув машинаси билан янги цехни ишга туширди. Айни пайтда ушбу цехда 20 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Обод қишлоқ» дастури асосида ҳудудда яшовчи йигирма тадбиркор имтиёзли шартларда кредит олиб, ўз бизнесини кенгайтирди.

Мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилишга 2 миллиард 600 миллион сўм йўналтирилади. Реконструкция давомида 6 иншоотдан иборат бинолар ойнаванд йўлаклар билан боғланади. Инглиз ва рус тиллари, жисмоний тарбия ва мусиқа, ўқиш ва ёзишни ўргатиш учун замонавий шароит яратилиши кўзда тутилган. Яқинда муассасага 40 миллион сўмлик стол-стул ва китоблар келтирилди.

Дастур доирасида собиқ қишлоқ врачлик пункти ўрнида оилавий поликлиника барпо этилмоқда. Бино таъмири учун 800 миллион сўмлик иш бажарилиши кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, Мирзачўлни ўзлаштиришнинг дастлабки даврида барпо этилиб, кейинги йилларда эътибордан четда қолган Ўзбекистон қишлоғи бугун «Обод қишлоқ» дастури туфайли тобора замонавий қиёфа касб этмоқда, одамлар турмуш фаровонлиги юксалмоқда. Энг муҳими, кўнгиллардан кўнгилларга кўчаётган бу ободликдан қишлоқ аҳли беҳад мамнун.

# Амиробод – кўркам манзил

Фарғона вилояти Бағдод туманидаги «Амиробод» ва «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғинларида «Обод қишлоқ» дастури асосида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Кенг ва равон кўчалар, замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари каби ўзгаришлардан аҳоли беҳад мамнун.

Мамлакатимизда одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг ҳаёт сифати ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган «Обод қишлоқ» дастури ижросини таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Унга кўра, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ўз ечимини топмоқда. Бугун қишлоқларда шаҳардан қолишмайдиган шароитлар яратилиб, ободлик ҳар бир кўнгилга кириб бораётир.

– Маҳалламизда 3 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, – дейди «Амиробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шамсиддин Турдалиев. – «Обод қишлоқ» дастури асосида амалга оширилаётган ишлар натижасида ҳудудимизга барча ҳавас билан қарамоқда. Маҳаллани жорий йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Асосий мақсадимиз – аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш. Шунингдек, одамларда ўз қишлоғи, маҳалласи тақдирига масъулият ҳиссини кучайтириш, халқимиздаги бунёдкорлик, тадбиркорлик, ҳамжиҳатлик фазилатларини қўллаб-қувватлашдир.

Дастур доирасида маҳалладаги 336 хонадонда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 3 километр ичимлик суви, 1,2 километр узунликда электр энергияси тармоғи тортилди, 8 трансформатор мукаммал таъмирланди.

– Маҳалламизда бундай ишларнинг олиб борилишини хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик, – дейди Хурсанали Шерғозиев ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймоновга. – Ўтган йил куз-қишда лой кечиб мактабга қатнаган ўқувчилар энди кенг ва равон, асфальтланган кўчалардан юриб, ўқишга бориб келмоқда. Кечалари кўчаларимиз чароғон.

Дарҳақиқат, шу кунга қадар йўлсозларнинг меҳнати билан 6,5 километр узунликдаги йўллар замонавий кўриниш олди. Асосий йўл ёқасига 75 кўча чироқлари ўрнатилди. 9-умумий ўрта таълим мактаби, «Амиробод» қишлоқ оилавий поликлиникаси, 41-давлат мактабгача таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, ижтимоий дорихона, супермаркет, ҳаммом бунёд этилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари томонидан 100 дан зиёд аҳолини иш билан таъминлашга эришилди. Уйма-уй юриб, аҳолидан олинган таклиф ва сўровлар асосида ҳудуддаги зах сувлари сатҳини пасайтириш учун коллекторларда тозалаш ишлари олиб борилди.

Ким билан суҳбатда бўлманг, бу ердаги бунёдкорлик ишларидан руҳланганини, эртанги кунга катта ишонч билан қараётганининг гувоҳи бўласиз. «Бир пиёла чой ичиб, меҳмонимиз бўлинг» дея сизга лутф қилади. Буларнинг барчаси ободлик ва фаровонлик белгиси эмасми?

# Бош режа концепцияси ишлаб чиқилади

Маълумки, кейинги йилларда юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Жумладан, эски, лойдан қурилган иморатлар ўрнини савдо-маиший мажмуаларига эга бўлган янги, замонавий уй-жойлар эгаллади. Бу борадаги ишлар, шунингдек, ҳудудларни ободонлаштириш, кўчалар, йўллар кенгайтирилиши чора-тадбирлари бугунги кунда ҳам давом эттириляпти.



Мазкур лойиҳаларга ўзгача руҳ бериш, уларни янги ғоялар билан бойитиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви Миллий агентлиги ташаббуси билан Корея Республикасининг ер, инфраструктура ва транспорт вазирлиги ҳамда давлат архитектура-қурилиш компаниялари вакилларидан иборат делегация Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, даставвал Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Салиев билан учрашган меҳмонлар маъмурий ҳудуднинг амалдаги инфраструктураси билан танишдилар. Бир қанча қурилиш объектларини кўздан кечирдилар. Бундан ташқари, кореялик ҳамкорларга вилоятнинг инвестицион ва туристик салоҳияти борасида батафсил маълумот берилди. Учрашув давомида томонлар шаҳарсозлик йўналишидаги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви Миллий агентлиги, Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳамда Корея Республикасининг ер, инфраструктура ва транспорт вазирлиги ўртасида ўзаро келишув меморандуми имзоланди.

– Биз Жиззах шаҳрида кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик, – дейди Корея Республикасининг ер, инфраструктура ва транспорт вазирлиги халқаро қурилиш лойиҳалари бўлими бошлиғи Ким Сон Хо. – Ўйлайманки, соҳада замонавий юқори технологияларни қўллаш орқали бундан-да яхши натижаларга эришиш мумкин. Сир эмас, бизнинг давлатимиз ҳам шаҳарсозлик соҳасида худди шундай ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Шу боис, ҳамкорлигимиз доирасида тадқиқотлар олиб бориш, ахборот алмашинуви ва лойиҳалаштириш, қурилиш, реконструкция ва шаҳарсозликнинг бошқа йўналишлари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлаш борасида келишиб олдик.

Меморандумга мувофиқ, томонлар ўртасида шаҳарсозлик соҳаси ва ҳудудий лойиҳалаштириш йўналишлари бўйича ҳамкорлик олиб бориш, хусусан, Жиззах шаҳри бош режаси концепцияси ва ҳудудлар ҳамда аҳоли пунктлари лойиҳавий режаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Шунингдек, ҳужжатга асосан, жойларда семинарлар, конференциялар ўтказиш, ўзаро ташрифлар ва бошқа тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шу тариқа вилоятда қурилаётган бинолар, инфратузилма иншоотлари мунтазам равишда меъморчилик ва шаҳарсозликнинг кундан-кунга ўзгариб бораётган талаблари асосида мукаммаллаштириб борилса, ажабмас.

**Ўз мухбиримиз.**





# ОБЪЯВЛЕНИЕ О РЕЗУЛЬТАТАХ ТЕНДЕРНЫХ ТОРГОВ

## ПО ЗАКУПКЕ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ И ОБОРУДОВАНИЯ

## Проект: «Строительство жилых домов в сельской местности»

Тендерные торги проводились с 8 августа по 30 августа 2018 года, согласно объявлениям, напечатанным в газеты «O'zbekiston bunyodkori» («Строитель Узбекистана») за номерами 50 (195) и 58 (203) от 26 июня 2018 года и 24 июля 2018 года.

**Результаты тендерных торгов указаны в нижеприведенной таблице:**

| № лота | Наименование товара | Претенденты | Победитель | Предложение победителя торга (сум) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Керамические плитки глазурованные 200x300, 300x300 | ИП ООО «SIRDARYA CERAMIC PRODUCTION»<br>ООО «Prime ceramics» | ООО «Prime ceramics» | 2 367 240 959 |
| 2 | Керамические плитки глазурованные 200x300, 300x300 | ООО «Prime ceramics»<br>СП «Moderna ceramic industries Ferghana» | СП «Moderna ceramic industries Ferghana» | 391 487 980 |
| 3 | Оконные рамы из ПВХ (со стеклопакетами) с подоконниками (белые) | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | 8 525 341 500 |
| 4 | Оконные рамы из ПВХ (со стеклопакетами) с подоконниками (белые) | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | 13 082 269 900 |
| 5 | Оконные рамы из ПВХ (со стеклопакетами) с подоконниками (белые) | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | 13 082 269 900 |
| 6 | Дверные блоки наружные из ПВХ со стеклопакетами (белые) | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | 2 907 366 000 |
| 7 | Дверные блоки наружные из ПВХ со стеклопакетами (белые) | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | 3 055 056 200 |
| 8 | Дверные блоки наружные из ПВХ со стеклопакетами (белые) | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | 1 965 579 800 |
| 9 | Дверные блоки внутренние межкомнатные из МДФ (ЛХДФ) | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | 12 187 545 772 |
| 10 | Дверные блоки внутренние межкомнатные из МДФ (ЛХДФ) | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | 24 100 997 247 |
| 11 | Дверные блоки внутренние межкомнатные из МДФ (ЛХДФ) | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | 6 970 250 660 |
| 12 | Алюминиевые наружные двери со стеклом | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | 3 467 040 000 |
| 13 | Алюминиевые наружные двери со стеклом | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | 6 201 165 600 |
| 14 | Алюминиевые наружные двери со стеклом | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | ООО «ELITE WINDOW SISTEMS» | 1 067 342 400 |
| 15 | Ламинированные полы (1295*194*8,0 мм) с изоляционными материалами | СП ООО «WOODMAN GROUP» | СП ООО «WOODMAN GROUP» | 26 380 697 423 |
| 16 | Плинтусы для ламинированного пола 55 мм с аксессуарами (цвет: темный орех) | ООО «ATOZ» | ООО «ATOZ» | 2 192 132 448 |
| 17 | Водоэмульсионные краски ВДАК 111 (внутренние и наружные) | ООО «BAYRAMOVA AYGUL»<br>ООО «NUKUS EVRO STROY» | ООО «BAYRAMOVA AYGUL» | 519 383 250 |
| 18 | Водоэмульсионные краски ВДАК 111 (внутренние и наружные) | ООО «Link Paints Trading | ООО «Link Paints Trading | 1 039 981 500 |
| 19 | Водоэмульсионные краски ВДАК 111 (внутренние и наружные) | ООО «ВОХА МАШЪАЛИ» | ООО «ВОХА МАШЪАЛИ» | 1 861 758 900 |
| 20 | Водоэмульсионные краски ВДАК 111 (внутренние и наружные) | ООО «KOMFORT KOLOR<br>ЧП «EAST COLOR»<br>ООО «VENTUN QURILISH SAVDO» | ООО «VENTUN QURILISH SAVDO» | 963 019 025 |
| 21 | Водоэмульсионные краски ВДАК 111 (внутренние и наружные) | ООО «Икбол»<br>ЧП «EAST COLOR»<br>ООО «MARGILON NODIR QURILISH» | ООО «MARGILON NODIR QURILISH» | 709 083 000 |
| 22 | Водоэмульсионные краски ВДАК 111 (внутренние и наружные) | ЧП»EAST COLOR»<br>ООО «REAL-PAINT MATERIALS» | ООО «REAL-PAINT MATERIALS» | 210 244 050 |
| 23 | Газо-электрическая плита (3+1) | ООО «EKO ELEKTRON»<br>ЧП «SAM FERRE» | ЧП «SAM FERRE» | 1 940 459 780 |
| 24 | Газо-электрическая плита (3+1) | ООО «EKO ELEKTRON»<br>ЧП «SAM FERRE» | ЧП «SAM FERRE» | 3 509 980 890 |
| 25 | Газо-электрическая плита (3+1) | ООО «EKO ELEKTRON»<br>ЧП «SAM FERRE» | ЧП «SAM FERRE» | 1 217 426 630 |
| 26 | Электро-водонагреватель 80 л | ЧП «STATURA»<br>ООО «THERMO WATER ELECTRIC»<br>ИП АО «DOMESTIK DESIRE» | ЧП «STATURA» | 1 149 657 600 |
| 27 | Электро-водонагреватель 80 л | ЧП «STATURA»<br>ООО «THERMO WATER ELECTRIC»<br>ИП АО «DOMESTIK DESIRE» | ЧП «STATURA» | 3 397 542 000 |
| 28 | Отопительные котлы комбинированные, многотопливные мощностью 12 кВт и 16 кВт | ПП ООО «САНТЕХГАЗМОНТАЖ»<br>ООО «TOSHELEKTROTEXMONTAJ»<br>АО «URGANCHKORMMASH»<br>ООО «KARDAR ISHLAB CHIQARISH MAXSULOTLARI» | ООО «TOSHELEKTROTEXMONTAJ» | 2 230 860 000 |
| 29 | Отопительные котлы комбинированные, многотопливные мощностью 12 кВт и 16 кВт | ПП ООО «САНТЕХГАЗМОНТАЖ»<br>ООО «TOSHELEKTROTEXMONTAJ»<br>ООО»OLMALIQ METALL KONSTRUKS»<br>ООО «IXTISOSLASHTIRILGAN TAJRIBA ZAVODI» | ООО «TOSHELEKTROTEXMONTAJ» | 3 944 460 000 |
| 30 | Отопительные котлы комбинированные, многотопливные: 12 кВт и 16 кВт | ООО «TOSHELEKTROTEXMONTAJ»<br>ООО «SAMSERVISTEXNOLOGIYA» | ООО «TOSHELEKTROTEXMONTAJ» | 1 190 280 000 |
| 31 | Котлы отопительные двухконтурные мощностью 24, 35 кВт | ЧП «KOMMET PRO»<br>ИП АО «TECHNO FUTURE» | ЧП «KOMMET PRO» | 3 764 306 000 |
| 32 | Алюминиевые отопительные радиаторы | ООО «HEATING RADIATORS» | ООО «HEATING RADIATORS» | 4 410 888 000 |
| 33 | Алюминиевые отопительные радиаторы | ООО «ATLANT METALL» | ООО «ATLANT METALL» | 10 216 553 169 |
| 34 | Электронные счетчики по учету расхода природного газа с выходом на АСКУГ | ООО «GAZ-METER» | ООО «GAZ-METER» | 6 643 750 000 |
| 35 | Электронные счетчики по учету расхода электроэнергии однофазный многофункциональный с выходом на АСКУЭ | СП ООО «ELEKTRON XISOBLAGICH»<br>ИП ООО «TOSHELECTROAPPARAT» | СП ООО «ELEKTRON XISOBLAGICH» | 2 537 500 000 |
| 36 | Арматура композитная для армирования конструкций | СП ООО «MEGA INVEST INDUSTRIAL» | СП ООО «MEGA INVEST INDUSTRIAL» | 9 404 998 895 |
| 37 | Арматура композитная для армирования конструкций | ООО «ARM COMPOSITE» | ООО «ARM COMPOSITE» | 2 263 471 485 |
| 38 | Арматура композитная для армирования конструкций | ООО «LIDER COMPOSITE GROUP» | ООО «LIDER COMPOSITE GROUP» | 590 938 790 |
| 39 | Металлические ворота с калиткой размер ворот 2600*2600 и размер калитки 2120*1100 | СП ООО «METAL INVENT» | СП ООО «METAL INVENT» | 3 753 672 000 |
| 40 | Металлические двери входные (утепленные, с фрамугами и подъездные) для подъезда 2070*1280; входные в квартиру 2070*880 | СП ООО «METAL INVENT» | СП ООО «METAL INVENT» | 11 704 020 000 |
| 41 | Металлические ворота с калиткой разм.:2600*2600 и разм.:2120*1100. Металлические двери входные (утепленные разм.: 2070*880, с фрамугами: 2470*980, подъездные: 2070*1280 | СП ООО «METAL INVENT»<br>ЧП «SAM FERRE» | ЧП «SAM FERRE» | 2 578 556 500 |
| 42 | Кабельно-проводниковая продукция (согласно приложению) | СП ООО «TECHNO CABLE GROUP»<br>ООО «GRAND KABEL SERVIS» | СП ООО «TECHNO CABLE GROUP» | 3 052 375 582 |
| 43 | Кухонный набор размер 1200 мм и 1400 мм | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | 5 510 228 000 |
| 44 | Кухонный набор размер 1200 мм и 1400 мм | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | 15 767 416 000 |
| 45 | Кухонный набор размер 1200 мм и 1400 мм | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | 5 693 426 000 |
| 46 | Шкаф для прихожей | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | 1 144 170 975 |
| 47 | Шкаф для прихожей | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | 3 217 692 750 |
| 48 | Шкаф для прихожей | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | ИП ООО «ORIENT – MEBEL» | 1 235 446 500 |
| 49 | Трубы полипропиленовые со стекловолокном для ГВС и отопления (PN 20); для ХВС без стекловолокна (PN 16.) | УП «POLIPROPILEN QUVUTLARI»<br>СП ООО «MASTER BILDING PRODUCTS» | СП ООО «MASTER BILDING PRODUCTS» | 5 101 948 380 |
| 50 | Трубы канализационные из ПВХ | СП ООО «MASTER BILDING PRODUCTS» | СП ООО «MASTER BILDING PRODUCTS» | 2 846 535 480 |

Претенденты, желающие ознакомиться с причинами отклонения их предложений, вправе обратиться с запросом о разъяснении причин в Тендерную комиссию, а также могут получить дополнительную информацию от организатора тендерных торгов – ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» по адресу: 100060, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Шахрисабзская, 36.


# «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2018 йил 12 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 106-уйда жойлашган 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 20 августдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Artfam-Invest» МЧЖ** томонидан қўйилмоқда:

1. 1-2И-2090-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 994 471,41 сўм.
2. 1-2И-2091-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 257 707,92 сўм.
3. 1-2И-2092-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 708 671,71 сўм.
4. 1-2И-2093-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 115 106,41 сўм.
5. 1-2И-2094-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 11 742 038,57 сўм.
6. 1-2И-2095-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 5 514 616,83 сўм.
7. 1-2И-2096-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 340 737,78 сўм.
8. 1-2И-2097-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 761 319,07 сўм.
9. 1-2И-2098-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 4 499 276,25 сўм.
10. 1-2И-2099-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 212 581,52 сўм.
11. 1-2И-2100-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 791 999,93 сўм.
12. 1-2И-2101-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 212 581,52 сўм.
13. 1-2И-2102-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 7 078 993,30 сўм.
14. 1-2И-2103-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 708 970,06 сўм.
15. 1-2И-2104-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 130 148,34 сўм.
16. 1-2И-2105-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 911 739,89 сўм.
17. 1-2И-2106-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 6 176 468,42 сўм.
18. 1-2И-2107-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 610 898,26 сўм.
19. 1-2И-2108-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 671 066,59 сўм.
20. 1-2И-2109-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 361 199,80 сўм.
21. 1-2И-2110-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 867 210,49 сўм.
22. 1-2И-2111-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 115 106,41 сўм.
23. 1-2И-2112-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 415 948,04 сўм.
24. 1-2И-2113-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 671 066,59 сўм.
25. 1-2И-2114-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 265 527,22 сўм.
26. 1-2И-2115-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 4 747 470,82 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Artfam-Invest» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Паркент» кўчаси, 9-уй.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 12 октябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банк Яшнобод филиалидаги МФО 01083 СТИР 302 083 379 2020 8000 0049 3216 8025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**аукцион савдосида қатнашиш учун**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун телефон:** (0-371) 236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*



ЧП «PETRO PROJECT ENGINEERING», зарегистрированное за реестровым №591539 от 17 марта 2018 года Яккасарайским районным Центром государственных услуг города Ташкента, по решению учредителя (№2 от 10 сентября 2018 года) **ликвидируется.**

**Дебиторы и кредиторы могут обратиться в течение месяца по адресу:** г. Ташкент, ул. Юсуф Хос Хожиб, 58. **Тел.:** (90) 317-13-15, (93) 181-08-83.



Тошкент шаҳар Учтепа туман БТИ томонидан Аширов Зоир Джураевич номига берилган, Учтепа тумани, Уккоша кўчаси, 40-б уйга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли **бекор қилинади.**



# «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2018 йил 12 октябрь куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 106-уйда жойлашган 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 20 августдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Oloy-Invest» МЧЖ** томонидан қўйилмоқда:

1. 1-2И-2089-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 769 735,38 сўм.
2. 1-2И-2088-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 438 212,89 сўм.
3. 1-2И-2087-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 400 607,46 сўм.
4. 1-2И-2086-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 866 613,49 сўм.
5. 1-2И-2085-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 4 040 492,84 сўм.
6. 1-2И-2084-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 415 948,04 сўм.
7. 1-2И-2083-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 761 319,07 сўм.
8. 1-2И-2082-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 445 733,86 сўм.
9. 1-2И-2081-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 761 319,07 сўм.
10. 1-2И-2080-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 115 106,41 сўм.
11. 1-2И-2079-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 558 250,90 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Oloy-Invest» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амур Темур кўчаси, 1-уй.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 12 октябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банк Яшнобод филиалидаги МФО 01083 СТИР 302 083 379 2020 8000 0049 3216 8025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**аукцион савдосида қатнашиш учун**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун телефон:** (0-371) 236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz
*004059 рақамли гувоҳнома.*

Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани «Қирққулоч» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ичимлик сувига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳисобга олинган ҳолда 615 хонадоннинг бу борадаги муаммоси бартараф этилди.



Муносабат

# Эътирофдан янада илҳомландик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 августдаги «Мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига кўра Наманган вилоятидаги «Истиқлол жавоҳири» масъулияти чекланган жамияти раиси Ислом Тайрбаев «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

– Корхонамиз раҳбари давлатимизнинг юксак мукофотларидан бирига сазовор бўлгани жамоамиз учун катта қувонч арғумон этди, – дейди жамият иш юритувчиси Баходирхон Иномов. – Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида корхонамиз ҳар тарафлама ривож топиб, қурилиш ташкилотлари орасида ўзига хос нуфуз ва мавқега эга бўлди. Биргина ўтган йилнинг ўзида корхонамиз бунёдкорлари томонидан 13 миллиард 640 миллион сўмга яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори асосида корхонамиз томонидан Мингбулоқ ҳамда Тўрақўрғон туманларида замонавий турар жой бинолари барпо этилди. Шунингдек, Наманган шаҳрининг «Янгиобод», «Меҳрибонлик» ҳамда «Сумалак гузари» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида профилактика инспекторлари учун хизмат уйлари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Поп туманида кўмир брекети учун омборхона ва бошқа иншоотлар қурилиши ҳам ана шулар жумласига киради.

Бу каби ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Наманган шаҳрининг «Ҳамроҳ» кўчаси атрофида истиқомат қилаётган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида умумий қурилиш қиймати 11 миллиард 600 миллион сўмлик юмушлар ўз поёнига етказилмоқда. Айни вақтда «Қишлоқ қурилиш банки»нинг имтиёзли кредити ҳисобига шаҳарнинг «Ҳамроҳ» кўчасида етти қаватли замонавий турар жой биноси, иккинчи кичик даҳада эса ҳуқуқ идоралари ходимлари учун хизмат уйлари барпо этилмоқда. Қурилиш-монтаж ишларида Латифжон Азизов, Қобилжон Қурбоналиев, Ҳасанбой Мамажонов сингари қурувчилар фидойилик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 2-3 май кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш жараёнларида Наманган шаҳар давлат хизматлари марказида ҳам бўлган эди.

– «Корбонам» МЧЖ тасарруфидаги фойдаланилмай турган тўрт қаватли бино марказ учун ажратилди, – дейди «Истиқлол жавоҳири» масъулияти чекланган жамияти раиси Ислом Тайрбаев. – Бу ердаги бунёдкорлик ишлари учун 15 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Тўрт қаватли бинонинг ташқи ва ички қисми тўлиқ реконструкция қилиниб, уни замон талаблари даражасидаги давлат хизматлари марказига айлантиришдек муҳим масала корхонамиз бунёдкорлари зиммасига юклатилган эди. Жамоамиз томонидан қисқа вақт оралиғида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, бугунги кунда марказда Халқ қабулхонаси, нотариал идора, ФҲДЁ, паспорт бўлими, суғурта, кадастр, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш хизматлари, банк шохобчаси, бинонинг учинчи қаватида эса «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг вилоят бўлими ҳамда Наманган инновация марказлари фаолият олиб бораётгани бажарилган ишлар кўламини кўрсатмоқда. Қурилиш соҳасида озми-кўпми қўлга киритаётган ютуқларимиз Юртбошимиз томонидан эътироф этилгани ва «Шуҳрат» медали билан тақдирланганим меҳнат жамоамизга берилган юксак мукофот, деб биламан. Айни пайтда ушбу юксан эътибор бизни янги марралар сари илҳомлантириб, эл-юрт равнақи йўлида астойдил ишлашга чорлайди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ичимлик суви таъминоти яхшиланди

Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани «Қирққулоч» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ичимлик сувига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳисобга олинган ҳолда 615 хонадоннинг бу борадаги муаммоси бартараф этилди.

760 га яқин оила истиқомат қилаётган Намуна, Бўстон, Янгиобод ва Гулбодом қишлоқлари аҳолисининг ичимлик сувига эҳтиёжини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигининг бевосита ташаббуси билан 300 миллион сўм маблағ эвазига «Қирққулоч» сув тўплаш ва тарқатиш иншооти қуриб, фойдаланишга топширилди.

– Бу мазкур қишлоқларда яшаётган одамлар оғирини енгил қилиш билан бирга, турмуш фаровонлигини юксалтиришда жуда муҳим аҳамиятга эга, – дейди маҳалла фаолларидан Т. Эгамбердиев ЎзА мухбири Ў. Баротовга. – Ахир, кўп йиллар давомида ичимлик сувини маълум бир маблағ эвазига узоқ масофадан ташиб келтирар эдик-да. Энди ҳам маблағ тежалади, ҳам одамларнинг турмуш сифати ошади.

Иншоот ишга туширилиши билан уч кишининг доимий бандлиги таъминланди.

# Халқаро автобуслар қатнови йўлга қўйилди

Ўзбекистон ва Тожикистонинг учта шаҳри ўртасида халқаро автобус йўналишлари очилгани ҳақида Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги матбуот хизмати маълум қилди.




9 сентябрь куни Тожикистонда давлат мустақиллигининг 27 йиллиги кенг нишонланади. Ушбу тантанали сана муносабати билан икки давлат халқларига қулайлик яратиш мақсадида бугун, 8 сентябрдан бошлаб «Термиз-Душанбе», «Денов-Душанбе», «Самарқанд-Панжикент» йўналишида халқаро автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

**«Термиз-Душанбе» халқаро автобус йўналишининг масофаси 251 км.**

- манзилга сарфланадиган вақт – 5 соату 39 дақиқа;
- йўлкира ҳақи ташувчилар томонидан Термиздан Душанбегача – 70 минг сўм;
- Душанбедан Термизгача 70 сомони.

**«Денов – Душанбе» халқаро автобус йўналишининг масофаси 107 км.**

- манзилга сарфланадиган вақт – 2 соат 25 дақиқа;
- йўлкира ҳақи ташувчилар томонидан Деновдан Душанбегача 40 минг сўм.
- Душанбедан Деновгача 40 сомони.

**«Самарқанд – Панжикент» халқаро автобус йўналишининг масофаси 64 км.**

- манзилга сарфланадиган вақт 1 соату 25 дақиқа.
- йўлкира ҳақи ташувчилар томонидан Самарқанддан Панжикентгача 20 минг сўм;
- Панжикентдан Самарқандгача 20 сомони.

**ЎзА.**

Самарқанддан хабарлар

Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Э. Турдимов ташаббуси билан маъмурий ҳудуд марказининг йўлдош шаҳарчаси – Кимёгарлар қўрғонида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш режалаштирилмоқда.

# Замонавий шаҳарча бўлади

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, чора-тадбирлар режасига кейинги йилларда қўрғон аҳолисини қийнаётган бир қатор муаммоларни ҳал этиш, жумладан, ҳудудни кўкаламзорлаштириш, ички йўллар, пиёдалар йўлаги, кўп қаватли уйлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларини мукаммал таъмирлаш кабилар киритилган. Бу ишларни тез ва мукаммал амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳ ташкил этилган.

Куни кеча ишчи гуруҳ раҳбари, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Шунқор Худойбердиев, ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда тегишли бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳарчада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни сифатли ва самарали ташкил этиш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш бўйича келишиб олинди.

Йиғилиш давомида ҳудуддаги умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, кўп қаватли уйлар, йўллар, инфратузилма объектларини таъмирлаш ишларини бугундан кечиктирмасдан бошлаш зарурлиги таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз.**

Орамиздаги одамлар

Мақоламиз қаҳрамони Иброҳим ака нафақага чиққач, бўш ўтиришни ўзига эп кўрмади. Қўшкўпир туманидаги «Янгилик» қишлоғининг яйдоқ чўлидан 2 гектар қумлоқ ер сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилганида, кўпчилик таажжубланди.

# Қумлоқдаги бўстон

Тадбиркорлик қиламан деган киши борки, иложи борича суви, гази, чироғи бор жой излаб қолади. Қаҳрамонимиз эса айнан бунинг аксича, қир-атрофи нуқул қумликлардан иборат бўлган айнан ташландиқ жойни танлади. Ўшанда Иброҳим акага ачиниб, «нима қиласиз ўзингизни қийнаб, бу жойларни сонга киритиш осон эмас» дегувчилар кўп бўлди. Гап-сўзларга қулоқ солмади.

– Ҳали кўрасизлар, шаҳарнинг шовқин-суронидан қочиб, табиат бағрига, айнан менинг боғимга ошиқасизлар, – дея сўзида қатъий турди у.



Бу гапларга ҳам тўрт-беш йилча бўлиб қолди. Инсон аҳд қилса, ҳар нарсага қодир экан. Бунёдкорлик эса кишига куч-қувват бахш этишини Иброҳим ака ва унинг оиласи мисолида англаш қийин эмас.

Тўғри, қумликдан иборат ҳудуд бўлгани боис бу ерга етиб келгунимизча чанг-тўзонлардан ўзимизни пана қилиш мақсадида машина ойналарини зич ёпганимизча атрофни ажабланиб кузатарканмиз, бунақа жойда қандай бўстон бўлиши мумкин, деган фикр ўтди хаёлимдан. Асфальт йўл орқада қолганига анча бўлди. Бу ёғи нуқул қумлик. Ҳайратимиз янада ошади. Бироздан сўнг узоқдан атрофи ям-яшил арчалар билан ўралган боғ кўринди...

Саҳродай жойда ям-яшил арчаларнинг бўй чўзиб туришининг ўзи мўъжизадек туюлди назаримда. Қўш тавақали дарвозадан кириб борарканмиз, ариқдан оқаётган оби ҳаётни кўриб кўзимиз қувнади. Эндиликда бу жойни кўрган киши бир пайтлар ташландиқ жой бўлганига ишонгиси келмайди. Худди ям-яшил бўстонга келиб қолгандек атрофга суқланиб кўзингиз тўймайди. Боғ мевали, манзарали дарахтлар, турфа хил гулларга бурканган. Полиз экинларини айтмайсизми! Картошкадан тортиб мош, ловия, аччиқ қалампиргача етиштирилган. Сўриларга тўшалган дастурхон атрофида табиатдан баҳра олиб, чарчоғингиз чиқади. Осмонга боқасиз, узоқларга термуласиз, кўзингиз тин олади. Бедананинг пит-билдиғи-ю, хўрознинг қичқириғи, какликларнинг овози, товуснинг камалак мисол қанотларини кўриб, дил яйрайди. Бундай гўзалликнинг замиридаги меҳнат, фидойилик, интилиш, шижоатни ҳис қилишга уринасиз. Унинг ижодкорларига меҳрингиз ошади. Қилинган меҳнатга тасаннолар айтгингиз келади.

Ҳа, эъзозли касб эгаси Иброҳим Жуманиёзов узоқ йиллар Амударё ирригация каналлари бошқармасида муҳандис бўлиб фаолият юритган. Касби тақозоси билан доимо канал қазиш, сув чиқазиш билан банд бўлгани боис ҳамиша табиатга ошно бўлиб, унинг гўзаллигини ҳис қилиб яшаган. Буни қарангки, она табиат билан бақамти яшашга ўрганган қаҳрамонимиз нафақага чиққач, кексалик гаштини яна табиат қўйнидан топди. Ҳозирда Иброҳим ака бошчилик қилаётган «Ибрат-Рўзмат» оилавий корхонасига қарашли мўъжазгина масканга қадам ранжида қилган киши худди ажойиботлар оламида юргандек ҳис қилади ўзини. Нега десангиз, бу ерда туяқуш дейсизми, қирғовул, каклику бедана, япон товуғи-ю, ҳатто Хитой кумушсимон қирғовулини ҳам учратишингиз мумкин. Беихтиёр бедананинг тинимсиз «пит-билдиғи»дан дилингиз яйраб кетади.

Дастлаб оилавий бизнесни паррандачиликни ривожлантиришдан бошлаган ушбу хонадон соҳиблари ҳозирда табиатдаги турли-туман қушларнинг ноёб турларини кўпайтириш билан ҳам шуғулланишмоқда.

Оилавий корхона раҳбари И. Жуманиёзовнинг таъкидлашича, улар боқиб кўпайтираётган қушлар ичида беданалар энг миттиси ҳисобланар экан.

– Бедана боқиш-кўпайтириш учун жуда қулай, ихчам, энг асосийси, унинг гўшти ҳам, тухуми ҳам инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали ҳамда шифобахш, – дейди қаҳрамонимиз. – Беданани боқиш учун катта жой ҳам шарт эмас. Самарадорлиги юқори. Яъни 45 кунда тухум бера бошлайди. 60 кундан кейин эса тўла маҳсулот беради. Тухуми ҳам, гўшти ҳам ҳамиша харидоргир.

Айни пайтда оилавий корхона аъзолари 3 000 бош бедана парваришлашяпти. 10 минг бошга етказиш уларнинг эзгу ниятларидан биридир. Шу билан бирга ўрдакчиликка ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўрдакларнинг ажойиб хусусиятларидан бири – касаллик ва ташқи таъсирларга анча чидамли. Тухуми ҳам йирик, қуюқ ва мойлилик даражаси юқори. Ўрдак тухуми ошхоналар учун бебаҳо масаллиқдир. Ҳозирда бу ерда 500 бош ўрдакдан кунига 300-350 дона тухум олиняпти. Улар ўз вақтида инкубацияга қўйилиб, ҳафтасига 1 200-1 500 дона жўжа чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Паррандабоқар ишқибозлар ёввойи қирғовул, каклик каби кўринишидан ниҳоятда кўркам қушларни боқиб кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишяпти. Кўринишидан баҳайбат жониворга ўхшаган туяқушлар эса табиатан ювош бўларкан. Энг муҳими, гўштдорлиги билан ўзига хос хусусиятга эга. Оилавий корхонада боқилаётган ушбу туяқушларнинг асли ватани Африка ҳисобланар экан. Ҳозирча ушбу ноёб қушнинг бештаси боқиляпти. Унинг иккитаси эркак, учтаси урғочи бўлиб, улар ҳам тухум бера бошлашибди. Туяқушларнинг ишқибозлари эса кўп бўларкан. Ушбу жониворнинг 6 ойлик боласи 1-1,5 миллион сўмга баҳоланибди. Аммо ҳозирча гап туяқушларни кўпайтиришда.

– Мода туяқушлар 2-2,5 кунда биттадан тухум қўяди, – дея изоҳ беради И. Жуманиёзов. – Шу тариқа апрель ойидан октябрь ойигача 80 донадан тухум бериш имкониятига эга. Ҳар бир тухум 1-2 килограммга тенг бўлади. Инкубацияга қўйилиб, ундан 42-44 кунда жўжа чиқарилади. Туяқушларни интенсив усулда, яъни витамин, оқсилга бой тўйимли озуқалар билан боқилса, йилига унинг тирик вазни 100 килограммгача етиши мумкин. Туяқушнинг гўшти таркибида холестерин кам бўлгани сабабли ширин парҳез маҳсулот ҳисобланади.

Келажакда «Ибрат-Рўзмат» оилавий корхонаси аъзолари туяқушлар сонини ҳам янада кўпайтиришга астойдил ҳаракат қилишяпти. Ушбу хўжаликка ажратиб берилган 2 гектар ер майдонидан унумли фойдаланиб, унда табиатнинг ажойиб ва ғаройиб қушларини парваришлаш орқали экотуризмни ҳам ташкил этишга аҳд қилинган. Бу борада эса ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп. Зеро, ҳаётимизни табиатдан айрича тасаввур қилиш мумкин эмас. Шундай экан, она табиат билан уйғун тарзда яшашга нима етсин?!

**Меҳрибон ИСМОИЛОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

## Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

**Центральный банк Республики Узбекистан установил с 11 сентября 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)**

1 доллар США – 7862,17
1 ЕВРО – 9081,59
1 российский рубль – 112,59
1 фунт стерлингов – 10158,71
1 южнокорейская вона – 6,97
1 японская йена – 70,80
1 малайзийский ринггит – 1897,47
1 китайский юань – 1149,12
1 швейцарский франк – 8112,86
1 дирхам ОАЭ – 2140,65
1 египетский фунт – 440,70
1 австралийский доллар – 5586,86
1 турецкая лира – 1231,93
1 сингапурский доллар – 5703,01
1 СДР – 11006,88
1 канадский доллар – 5977,02
1 украинская гривна – 278,31
1 польский злотый – 2105,51
1 кувейтский динар – 25977,76

***) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.**

# Гостиница «Afrosiyob Palace» приобретет новый облик




Реконструкция гостиничного комплекса, соответствующего категории не менее 4-х звёздочной, будет завершена к 1 ноябрю 2019 года.

Существующие здания и сооружения гостиницы «Afrosiyob Palace» в Самарканде будут реализованы сингапурской компании «EXIM Investments Pte Ltd» по остаточной балансовой стоимости активов, с прилегающей к ней территорией площадью 1,9 гектаров. Это стало известно из постановления Кабинета Министров № 709 от 5 сентября 2018 года.

При этом инвестор обязуется в течение месяца погасить все имеющиеся задолженности перед Государственным бюджетом и государственными целевыми фондами, заработной плате, а также другими кредиторами с выполнением инвестиционных и социальных обязательств.

Кроме того, инвестору в течение двух лет необходимо привлечь инвестиции в размере $12 млн., а также создать до 100 новых рабочих мест из числа граждан Узбекистана.

**Наш корр.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдумуталлиб Ўктамов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Дилфуза Хабибова

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш-лойиҳалаш институтлари

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қабулхона) 244-21-71, (котибият) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: (90) 278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: (90) 720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: (93) 466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: (95) 560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-907.
2267 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов
Навбатчи – А. Турсунов
ЎзА якуни – 00.05. Топширилди – 00.30.

12345